2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 92 (614), 2022 йил 11 май, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ХАЙРЛИ ТАШАББУС, ҲАЙРАТ ВА ҲАЯЖОНГА ҲАМОҲАНГ ЛАҲЗАЛАР

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛАЛАРИДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ АНЖУМАНЛАРИ, АҲОЛИ БИЛАН ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА.

МАЪРИФАТ КАРВОНИ



**Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 21-22 апрель кунлари Қашқадарё вилоятига амалга оширган ташрифи воҳа аҳли ҳаётида ўзига хос тарихий аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз раҳбари бу ҳудудда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳамда янги лойиҳаларни кўздан кечириш баробарида, қашқадарёлик юртдошларимиз билан самимий мулоқот қилди.**

Айниқса, яқиндагина ташкил қилинган Кўкдала туманида бўлиб ўтган учрашув ва тадбирлар жуда кўплаб юртдошларимизда катта таассурот уйғотгани сир эмас. Бу ерда ниҳоятда қисқа муддатда замонавий тикувчилик корхонаси ишга туширилиб, 500 нафарга яқин маҳаллий хотин-қизлар ва ёшлар иш билан таъминлангани мамлакатимизда инсон қадрини юксалтириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Бунинг аҳамияти қай даражада юқори эканини ҳис қилиш қийин эмас. Президентимиз таъкидлаганидек, биргина аёл иш билан таъминланса, унинг кайфияти бутун оиласига таъсир қилади. У ўз ҳаётидан рози бўлиб, фарзандларини яхши ўқитиш ва уларни ҳар томонлама муносиб инсонлар қилиб тарбиялашга интилади.

Давоми 3-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# ИЖРОДА НАЗОРАТ ВА МАСЪУЛИЯТ МУҲИМ МЕЗОН

**Амир Темур салтанатни мустаҳкамлаш, жамиятни ривожлантириш мақсадида ижроия маҳкамаси — вазирликлар муҳим ўрин эгаллаган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларни тўғри йўлга қўйиб, улардан жамият манфаати йўлида фойдаланиш учун қатъий интизомга асосланган ва талабчан ижро тизимини яратган.**

Соҳибқирон салтанатининг ижро этувчи тизимидаги вазирликлар молия-солиқ, даромад ва харажатлар, мулкчилик, етиштириладиган ҳосил, чорва ва яйловлар аҳволи, бунёдкорлик, хабар ва почта, ҳарбий ва адлия соҳаларини бошқарган. **Салтанатнинг қудрати ҳам айнан темир интизом ва адолат тамойилида қурилган эди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўнгги беш йилликдаги ислоҳотларнинг натижасида янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Ўтган йили Президентимизнинг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ва “Ijro.gov.uz” ижро интизомини идораларaро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши айни муддао бўлди.

“Ijro.gov.uz” тизимидаги топшириқлар ижросини **вазирлик (идора) → ҳокимлик → Адлия вазирлиги → Вазирлар Маҳкамаси → Ҳисоб палатаси → Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси “технологик занжири”** асосида таъминлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотларнинг ижро муддатларини узайтириш ҳақидаги таклифлари асослилиги ўрганиладиган бўлди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашда ижрочиларнинг масъулиятини янада кучайтириш мақсадида тизимга зарур маълумотларни ўз вақтида киритмаслик ёки нотўғри маълумотларни киритиш, бу борада Адлия вазирлиги кўрсатмаларини ўз вақтида ёки тегишли даражада бажармаслик учун жавобгарлик жорий этилиши кўзда тутилди.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧИ ВА РОЗИЛИГИ АСОСИДА РИВОЖЛАНАДИ



**Тиб илмининг асосчиси, буюк аллома Абу Али ибн Сино бобомиз айтганидек, одамлар дардига дармон бўлмоқ эзгулик ва олижанобликнинг юксак намунасидир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, қадр-қимматини улуғлаш ҳақида сўз юритганда, инсоннинг асосий бойлиги — саломатликни асраш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини эътироф этмасликнинг иложи йўқ.**

Инсон капиталини ривожлантириш асосий мақсад қилиб олинган мамлакатимизда кейинги олти йилда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, соҳага оид 200 дан ортиқ қонун ҳужжати, жумладан, 2019-2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда тиббиётнинг уч босқичли миллий модели — бирламчи тиббий-санитария, шошилинч тез тиббий ёрдам ва ихтисослаштирилган тиббий хизмат тармоғи яратилиб, самарали фаолият юритмоқда. Энг муҳими, тиббиёт муассасалари халққа янада яқинлашмоқда.

Жорий йил 18 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида тиббиёт ходимлари билан ўтказилган очиқ мулоқотда билдирилган фикр-мулоҳазалар, кўтарилган масалалар ва уларнинг ечимлари бўйича белгиланган вазифалар ижроси узоқ куттирмаяпти.

Президентимизнинг 2022 йил 25 апрелдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳам “Тиббиётдаги ислоҳотлар — инсон қадри учун” мавзусидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилингани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Давоми 2-бетда

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ:

## ЯНГИ ТИЗИМНИ УЗОҚ ЙИЛЛАР МЕВА БЕРАДИГАН БОҚҚА ЎХШАТАМИЗ

**Бундан беш йилча аввал “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинганида, буларнинг бари қуруқ гап бўлиб чиқса-чи, деганлар ҳам бўлган. Ҳатто айримлар бу борада ўзларининг “миллатпарварлик” позициясини кўз-кўз қилиб, ижтимоий тармоқларда жар солганди.**

Давоми 4-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН “MACFRUT 2022” ХАЛҚАРО МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЎРГАЗМАСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Италиянинг Римини шаҳрида “Macfrut 2022” халқаро мева-сабзавотчилик кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонаси томонидан USAIDнинг “Ўзбекистонда агробизнесни ривожлантириш” лойиҳаси кўмагида миллий стенд ташкил этилиб, мамлакатимизнинг 20га яқин компания ва ташкилотлари вакиллари иштироки таъминланди.

Давоми 2-бетда

ХОТИРА БОР ЭКАН — МИЛЛАТ БАРҲАЁТ




# АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ АВЛОДЛАРГА ИБРАТ

**Тинчлик — энг улуғ неъмат. Тинч ва осойишта юртда тараққиёт бўлади. Шу боис, халқимиз тинчликни ҳамиша эъзозлайди, унинг қадрига етади. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мужассам.**

Давоми 5-бетда

ФЕСТИВАЛЬ

# ЁШЛИК ҚУДРАТИ БИЛАН ЯШНАЁТГАН ЗАМИН ҚЎШИҒИ




**Шу кунларда Нукус ва Бўзатов қайта яшаргандек тасаввур уйғотади кишида. Баҳор нафаси, ҳар ёнда ёшлик нуқси уриб турибди. Бу манзара кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган халқчил ислоҳотлар, ёшлар сиёсатининг қорақалпоқ заминидаги шукуҳи ўлароқ, дилларга ажиб таровaт бағишлайди.**

10 май. Соат миллари 19:30ни кўрсатади. Нукус амфитеатри саҳни байрамона безатилган. Сахий қуёш бутун мамлакатдан келган минглаб йигит-қизларни олқишлаб, уларнинг юз-кўзида, қалбида юртга, одамларга балққан меҳр тафтини ўзиники қилиб олмоқчидек заррин нурларини сочади.

Бу ерда “Республика ёшлар овози” фестивали мамлакат босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

2020 йил 2 октябрь қорақалпоғистонлик ёшлар хотирасида алоҳида эсда қоларли сана сифатида тарихга муҳрланган. Шу куни Президентимиз Қорақалпоғистонга ташрифи доирасида бу кўҳна заминда “Республика ёшлар овози” фестивалини ўтказиш ташаббусини билдирган эди.

Давоми 6-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# ИЖРОДА НАЗОРАТ ВА МАСЪУЛИЯТ МУҲИМ МЕЗОН

**Фазлиддин РЎЗИЕВ,
Вазирлар Маҳкамасининг Маҳаллий саноатни ривожлантириш ва кооперация алоқалари масалалари котибияти мудири ўринбосари**

Бошланиши 1-бетда

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда **“Инсон қадри учун”** тамойили асосида халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформациялаш ва тадбиркорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Албатта, улкан режалар замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари **раҳбар ва масъулларининг танқидий таҳлил асосидаги назорати, юксак масъулияти ва шахсий жавобгарлиги орқали амалга ошириш мумкин. Зеро, ишни жамоа бажаради, масъулият эса шахсий бўлиши лозим.**

Шу ўринда 2022 йилнинг январь-март ойларида **ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш ва ташкилотлар ўртасида саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш** борасида амалга оширилган ишлар ва вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Президентимизнинг 2022 йил 24 январдаги “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудий корхоналарда 2 455 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси доирасида қиймати 36,6 триллион сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни назарда тутувчи **манзилли дастур тасдиқланган**.

Ушбу дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 1 659 та лойиҳа доирасида 7,3 триллион сўмлик, шу жумладан, иқтисодиёт тармоқларида 584 та лойиҳа доирасида 3,1 триллион сўмлик ҳамда ҳудудий корхоналарда 1 075 та лойиҳа доирасида 4,2 триллион сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши таъминланди (режага нисбатан 158,7 фоиз), 73,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, 4 047 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Иқтисодиёт тармоқлари — “Ўзэлтехсаноат” уюшмасида 816,4 миллиард сўмлик, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасида 308,2 миллиард сўмлик, “Ўзбекнефтгаз” АЖда 295,5 миллиард сўмлик, “Олмалиқ КМК” АЖда 59,6 миллиард сўмлик иш бажарилди.

Хусусан, Жиззах вилоятида 1 047 миллиард сўмлик, Самарқанд вилоятида 243,8 миллиард сўмлик, Навоий вилоятида 207,2 миллиард сўмлик, Хоразм вилоятида 196,6 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилган.




Шунингдек, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Рақамли трансформация марказининг электрон кооперация портали орқали қиймати 1,6 триллион сўмлик 9 178 та ҳамкорлик шартномаси имзоланган. Шундан 6 276 та шартнома доирасида қиймати 800 миллиард сўмлик маҳсулотлар тўлиқ етказиб берилиши таъминланган.

Мамлакатимизда харидоргир, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳалари сонини кўпайтириш, шунингдек, нархларни арзонлаштириш ва хусусий сектор иштирокчиларини саноат фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида бир неча йиллардан буён **ҳудудий ва республика тармоқлараро саноат ярмаркалари ўтказиб келинмоқда**.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, жорий йил 3-4 март кунлари Жиззах, 15-16 март кунлари Сирдарё, 14-15 апрель кунлари Самарқанд вилоятларида ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркалари ўтказилиб, улар якунлари бўйича Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Рақамли трансформация марказининг электрон кооперация портали орқали жами 566,8 миллиард сўмлик 2 069 та шартнома тузилди.

Ҳозир Наманган (26-27 май), Фарғона (9-10 июнь) ва Андижон (23-24 июнь) вилоятларида ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларини юқори даражада ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасини халқаро даражага кўтаришга алоҳида эътибор қаратиб, кўплаб устувор вазифаларни белгилаб бермоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 2 июндаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони бунга мисол бўла олади. Ушбу ҳужжатга асосан, сифат миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди ва бугунги кунда белгиланган топшириқлар ижроси таъминланиб келинмоқда.

Хусусан, халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда соҳани тартибга солувчи “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги, “Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида”ги, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш киритиш ҳақида”ги (212, 213, 214, 265-моддалар) қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритилди. Бунинг натижасида соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ такомиллаштириш учун кенг имкониятлар яратилади, десак янглишмаган бўламиз. Жумладан, Жаҳон савдо ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларга интеграция жараёнида соҳага оид нормалар мувофиқлаштирилади, маҳаллий ва импорт маҳсулотлар сифатига қонун билан бир хил талаблар қўлланилади, импорт халқаро нормаларга мувофиқ тартибга солинади, маҳсулотлар экспортидаги техник тўсиқлар бартараф этилади ҳамда маҳсулотлар сифатини таъминлашда давлат назорати механизмлари яратилади.

Энди жорий йил якунига қадар амалга ошириладиган **асосий вазифаларимизнинг ижросига ҳам масъулият билан ёндашишимиз керак бўлади.** Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини **“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”**да амалга оширишга оид **давлат дастури**да белгиланган асосий вазифалар **ижросини таъминлашга жиддий эътибор берилиши шарт.**

Бинобарин, йил якунига қадар сифат менежменти тизимининг халқаро ISO 9001 стандартини камида 30 фоиз вазирлик ва идоралар фаолияти тизимида жорий қилиш кўзда тутилган.

Бундан кўзланган мақсад ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилишдир.

Шунингдек, ISO, Global GAP, Organic ва бошқа замонавий стандартлар жорий этилган экспорт қилувчи корхоналар сони 1000 тадан 1300 тага етказилади. Бундан ташқари, экспорт ҳажмини ошириш мақсадида 179 та маҳаллий ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибидаги 150 та тўқимачилик корхонасида халқаро сифат менежменти тизимлари жорий этилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, **ижрода назорат ва масъулият** мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришиш имконини беради.



# ЎЗБЕКИСТОН “MACFRUT 2022” ХАЛҚАРО МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЎРГАЗМАСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Бошланиши 1-бетда

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, “Macfrut” халқаро кўргазмаси Европадаги энг муҳим халқаро мева-сабзавотчилик тадбирларидан бири бўлиб, ҳар йили Римини шаҳрида ташкил этилади. Кўргазмада Италия ва турли давлатлардан мева-сабзавот тармоғида фаолият юритувчи компаниялар, уюшмалар, консорциумлар ва илмий-тадқиқот муассасалари иштирок этади. Унинг доирасида уруғчилик ва кўчатчиликдан бошлаб, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш учун техника ва технологиялар, илм-фан ютуқлари ва бошқа маҳсулотлар намойиш қилинади.

Жорий йил ушбу кўргазмада дунёнинг 45 давлатидан мева-сабзавот тармоғида фаолият юритувчи 830 дан зиёд компания ўз маҳсулотларини намойиш этди. Маълумотларга кўра, тадбирга 35 мингдан зиёд киши ташриф буюрган.

Анжуманнинг очилиш маросимида Италия аграр, озиқ-овқат ва ўрмон хўжалиги сиёсати вазири Стефано Патуанелли, ФАО бош директори ўринбосари Маурицио Мартиана, “Italian Exhibition Group” бош менежери Роберто Лунго иштирок этиб, иштирокчиларни кўргазмада бевосита қатнашаётгани билан қутлади.

Европа бозорларини миллий брендларимиз билан ишончли тарзда забт этаётган “Baraka Meva Sanoat”, “Mehrigiyo”, “Global Export”, “Exim Agro”, “BMB Trade”, “Global Silk Road”, “Orient Agro Export”, “New Way Industries” ва “Red Pack” компаниялари кўргазмада мамлакатимизнинг экспортбоп ҳўл, қуритилган ва музлатилган мева-сабзавот, дуккакли, доривор ва гиёҳли, жумладан, гилос, лимон, анор, ўрик, ковул, ёнғоқ, майиз, мош, ловия, шафран ва бошқа маҳсулотларини намойиш этди.

Мамлакатимиз стенди кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Тадбиркорлар Италия ва Европа давлатлари компаниялари вакиллари билан яқиндан танишиб, маҳаллий маҳсулотларни етказиб бериш бўйича манфаатли музокаралар ўтказди ва қатор келишувларга эришди.

Шунингдек, кўргазма турли қўшимча тадбирларга бой бўлиб, дипломатия ваколатхонаси ташаббуси билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги делегацияси Халқаро гилосчилик симпозиумида (“International Cherry Symposium”) фаол қатнашди.

Мазкур тадбирда дунёнинг гилос етиштирувчи етакчи давлатлари компания вакиллари, жумладан, Ўзбекистон, АҚШ, Испания, Италия, Туркия ва Чили иштирокида гилосчилик соҳасининг таҳлили ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Симпозиум иштирокчилари эътиборига Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли аграр ислоҳотлар, қишлоқ хўжалигида диверсификация ва трансформация жараёнлари, илм-фан интеграцияси, интенсив боғ майдонларининг жадал барпо этилаётгани тўғрисида материаллар тақдим этилди.

Учрашув чоғида дунёнинг йирик гилос етиштирувчи “Consorzio della Ciliegia di Vignola” (Италия), “Stemilt Growers” (АҚШ), “Alara Agri” (Туркия), “Frutaria” (Испания) ва “Agricola San Francisco Lo Garcés” (Чили) компаниялари раҳбарлари билан мамлакатимизда гилоснинг янги навларини синаш, бозорни таҳлил қилиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида келишувга эришилди.

Шунингдек, кўргазма доирасида Ўзбекистон мева-сабзавотчилик тармоғида фаолият юритишга қизиқиш билдираётган Италиянинг қатор йирик компаниялари, жумладан, “Unitec”, “Cermac”, “A&C”, “Fagri”, “Idromecchanica Lucchini”, “Irritec”, “Irrimec” ва илмий-тадқиқот марказлари билан музокаралар ўтказилди.

**“Дунё” АА**
*Рим*

## МУНОСАБАТ

# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ ХАЛҚИМИЗ ИШОНЧИ ВА РОЗИЛИГИ АСОСИДА РИВОЖЛАНАДИ

**Зуҳра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари**

Бошланиши 1-бетда



Эътиборлиси, Президентимиз томонидан яхши бир амалиёт йўлга қўйилди, яъни йиллар давомида тўпланиб қолган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими бўйича кенг жамоатчилик ва соҳа вакиллари, шифокорлар, ҳамшираларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари изчил ўрганиляпти, улар билан очиқ мулоқотлар ўтказиляпти.

Юқоридаги қарор ҳам ана шундай мулоқотларда билдирилган таклиф-тавсиялар асосида қабул қилингани билан аҳамиятлидир. Хусусан, 1 майдан бошлаб бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан олис масофада жойлашган маҳаллаларда маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этиладиган бўлди.

Мамлакатимиз аҳолисининг деярли ярми қишлоқларда истиқомат қилиши ушбу ҳудудларда фаолият юритадиган тиббиёт ходимларининг улуши ҳам мутаносиб равишда бўлишини тақозо этади. Аммо амалиётда кўриб гувоҳи бўлганмиз, аввало, олис ва чекка ҳудудларга бориб ишлашни истайдиган соҳа вакиллари кўп ҳам учрамайди. Бир вақтлар фарзандини тиббиёт олийгоҳларида ўқитишни жоиз, деб билмаган ота-оналарнинг улуши кўп бўлгани ҳамда қишлоқ ҳудудларидаги тиббий муассасаларда етарлича инфратузилма ва шароитлар яратилмагани қишлоқларда малакали тиббий хизмат кўрсатилиши сифатига салбий таъсир кўрсатган. Оқибатда чекка ҳудудлардаги аҳоли сифатли тиббий хизматга эга бўлиш мақсадида пойтахт ёки бошқа шаҳарлардаги мутахассислардан нажот излашга мажбур бўлган.

Кейинги йилларда шу ва шу каби муаммоларни тизимли ҳал этиш мақсадида “Қишлоқ шифокори” дастури ишлаб чиқилди. Юқорида номи келтирилган қарорда 2022 йил 1 июлдан бошлаб мазкур дастурни янада такомиллаштириш вазифаси илгари сурилди. Янгиланган “Қишлоқ шифокори” дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларда фаолият юритадиган шифокорларга бир қатор енгиллик ва имтиёзлар белгиланмоқда. Хусусан, олис ва чекка ҳудудлардаги оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақига қўшимча 2 миллион сўм миқдорида ҳар ойлик устама белгиланади ҳамда уларга ипотека асосида уй-жой сотиб олишда унинг 50 фоизигача қисми, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баробаридан ошмаган миқдорда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади. Бундан ташқари, олис ва чекка ҳудудларда узлуксиз уч йил ишлаган шифокорлар клиник ординатурага тест синовларисиз қабул қилинади.

Иссиқ жонмиз. Қачон ва қандай вазиятда бирламчи тиббий хизматга ишимиз тушишини олдиндан билмаймиз. Шунингдек, ҳудудлардаги бирламчи тиббиёт муассасаларида кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини аниқлашнинг ҳам аниқ механизми мавжуд эмас эди. Бу эса аҳолининг тиббий хизматдан розилиги ёки норозилиги даражасини ёхуд шифокорларимизнинг касбий малакасини холисона баҳолаш имконини бермасди.

Мазкур масалани тизимли ҳал этиш мақсадида 2022 йил 1 августдан бошлаб оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар иш самарадорлигини баҳолаш бўйича янги рейтинг тизими жорий қилинадиган бўлди. Бунда ҳудудда ортиқча вазндан халос бўлиш, тўғри овқатланиш тамойилларига риоя этиш, жисмоний фаолликни ошириш, инфаркт, инсульт, қандли диабет, онкология каби касалликларнинг олдини олиш бўйича кўрсаткичлар асосий мезон бўлади.

Муҳими, ҳар олти ойда ижобий кўрсаткичларга эришган тиббиёт ходимлари рағбатлантирилади ҳамда энг яхши натижа кўрсатган тиббиёт муассасаси қимматбаҳо совға билан тақдирланади. Ушбу тизим 2022 йилда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 11 та ҳамда Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги 12 та оилавий шифокор пункти ва оилавий поликлиникаларда, 2023 йилдан бошлаб босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий этилади.

Президентимиз раислигида тез тиббий ва шошилинч ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам тиббиёт тизимидаги ислоҳотларни яққол намоён этадиган тез тиббий ва шошилинч ёрдам тизимида учраётган камчиликлар очиқ-ойдин муҳокама қилингани, бу муаммоларга ечим бўладиган топшириқлар берилгани ҳар бир ҳамюртимиз қатори узоқ йиллар шу машаққатли соҳада меҳнат қилган, ҳозирда бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришга интилаётган барча депутатларни беҳад қувонтирди.



> **Муҳими, ҳар олти ойда ижобий кўрсаткичларга эришган тиббиёт ходимлари рағбатлантирилади ҳамда энг яхши натижа кўрсатган тиббиёт муассасаси қимматбаҳо совға билан тақдирланади. Ушбу тизим 2022 йилда Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 11 та ҳамда Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги 12 та оилавий шифокор пункти ва оилавий поликлиникаларда, 2023 йилдан бошлаб босқичма-босқич барча ҳудудларда жорий этилади.**

Йиғилишда тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш борасида эришилган ютуқлар билан биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳрида тез тиббий ёрдам ягона тизимга бирлаштирилиб, рақамлаштирилгани, лекин ҳудудларда бу ишлар бошланмагани танқид остига олинди. Хусусан, тез тиббий ёрдам машиналарида замонавий навигация жиҳозлари йўқлиги, 10 мингта кўчага ҳалигача ном, 500 мингга яқин уйга рақам берилмагани учун тез ёрдам бригадаларининг асосий вақти манзилни топишга сарфланаётгани, шу билан бирга, туман даражасида шошилинч тиббий ёрдам тизими самарали йўлга қўйилмагани қайд этилди.

Шунингдек, соҳа олдида турган бир қатор вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинди. Бинобарин, жорий йил 1 июлдан ягона вертикал бошқарув асосида “103” Республика тез тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоятлар филиаллари ташкил этилади. Туманларда чақирувларни қабул қилиш диспетчерлик хизмати тугатилиб, вилоятларда ягона колл-марказ ташкил этилади. Колл-марказда операторлар билан бирга алоҳида тиббиёт-маслаҳат бригадаси фаолият олиб боради. Яъни, тез ёрдам бригадаси етиб боргунига қадар уларга беморнинг аҳволи ҳақида хабардор қилиб туриш, оила аъзоларига оғир аҳволдаги беморга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича телефон орқали маслаҳат бериш билан шуғулланади.

Тез тиббий ёрдам кўрсатиш бир туман ҳудудида эмас, масофага қараб бутун вилоят бўйича йўлга қўйилади. Тез ёрдам хизматини ташкил этиш ва рақамлаштириш учун 85 миллиард сўм ва Жаҳон банкидан жалб қилинган 5 миллион доллар йўналтирилади.

Шунингдек, вилоят колл-марказлари тизимига тез тиббий ёрдам хизмати мавжуд хусусий клиникалар ҳам уланади. 2022–2025 йилларда тез тиббий ёрдам тизимидаги барча “Дамас” ва бошқа эскирган машиналар замонавий автомобилларга алмаштирилади. Хусусан, 2022 йилда 890 та, 2023 йилдан бошлаб ҳар йили 450 тадан янги автомобиль, жумладан, реанимация машиналари олиб берилади. Барча тез ёрдам транспортлари навигация тизимига уланади.

Кўриб гувоҳи бўлаётганимиздек, аҳолини сифатли ва малакали тиббий хизмат билан таъминлаш, инсон ва унинг қонуний манфаатлари ҳамда конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг энг муҳим йўналиши сифатида белгилаб қўйилган. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари жамиятимизда олий қадрият ҳисобланади.

Бош қомусимизнинг 40-моддасида **“Ҳар бир киши малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”,** экани мустаҳкамлаб қўйилган. Аммо Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Халқимиз соғлиғини сақлаш соҳасида улкан мақсад ва вазифаларни олдимизга қўяётган ҳозирги шароитда, ушбу конституциявий модданинг ўзи етарли эмас. Бугун замон биздан тиббиёт тизимимизнинг конституциявий асосларини янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда”.**

Шундай экан, биз, қонун ижодкорлари Асосий қонунимизда миллий соғлиқни сақлаш тизимини сифат жиҳатидан яхшилашга, тиббиёт ходимларининг юксак мақомини таъминлашга хизмат қиладиган амал қиладиган конституциявий қоидаларни акс эттириш борасидаги фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқишимиз зарур.





МАЪРИФАТ КАРВОНИ

# ХАЙРЛИ ТАШАББУС, ҲАЙРАТ ВА ҲАЯЖОНГА ҲАМОҲАНГ ЛАҲЗАЛАР

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛАЛАРИДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ АНЖУМАНЛАРИ, АҲОЛИ БИЛАН ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Бошланиши 1-бетда

Шу чоққача фақатгина рўзғор ташвишлари билан андармон бўлиб яшаб келган кўкдалалик юзлаб хотин-қизлар бугун хориж экспортига мўлжалланган бежирим либослар тикмоқда! Бунга қойил қолмасдан илож йўқ. Ҳа, ўзбек аёлига имконият ва шароит яратилса, улар ҳаётда мўъжизалар яратишга қодир.

### УЛУҒВОР ЎЗГАРИШЛАР ПАЛЛАСИ

Ўрни келганда бир гапни комил ишонч билан айтиб ўтмоқчимиз: бугун қашқадарёликларнинг кайфияти ва шижоати ҳар қачонгидан ҳам баланд. Кейинги тўрт-беш йил давомида воҳа кенгликларида бир қанча қудратли саноат корхоналари барпо этилиб, минглаб янги иш ўринлари яратилгани, Қарши шаҳридан тортиб, туманлар марказларида ҳам кўпқаватли замонавий уй-жойлар, маданий-маиший иншоотлар, йўл ва кўприклар қад ростлаши натижасида одамларнинг турмуш тарзи янаям фаровонлашиб, вилоятнинг умумий манзараси ўзгарди. “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурлари доирасида яна қанчадан-қанча қишлоқ ва маҳаллалар кўркам тус олди.

Жамиятда юз берадиган ҳар қандай ижобий ўзгариш, энг аввало, оддий инсонларнинг онги ва дунёқарашида, уларнинг кайфиятида ўз аксини топади. Шу маънода, Қашқадарё вилоятида инсон қадрини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бу заминда яшаётган меҳнаткаш ва танти юртдошларимизга кўтаринки руҳ ва иштиёқ бағишламоқда.

Қашқадарёлик чорвадор ва деҳқонлар мудом “осмоннинг қовоғига қараб” меҳнат қилиши сир эмас. Бу элда нуроний кексалар қўлини дуога очганида, “Илойим, баҳорини берсин” деб ният қилиши бежиз эмас. Зотан, кўклам ёмғири элга мўл ризқ-рўз ва барака олиб келади. Осмондан “оби раҳмат” сувлари қанча кўп ёғилса, одамларнинг кайфияти чоғ ва шашти баланд бўлади. Эл-улусда тўй ва тантаналар кўпаяди.

Шукрки, бу йил юртимизда кўклам анча баракали келди. Мўл-кўл ёққан ёмғир шарофати билан Қашқа воҳасининг дашту далаларида ўт-ўланлар гуркираб ўсиб, буғдой бошоқлари бўлиқ тортди. Кунлар исиши билан бепоён кенгликлар алвон лолақизғалдоқлар билан қопланиб, гўзал ва улуғвор манзара касб этди.

### МАҲАЛЛАЛАРГА КЎЧГАН САНЪАТ АНЖУМАНЛАРИ

Мана шундай шукуҳли ва файзиёб кунларда қашқадарёликлар яна бир шодиёна — йирик маданият ва санъат анжуманининг руҳи билан яшамоқда. Гап шундаки, айни дамларда вилоятда “Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган юрт!” шиори остида кенг қамровли маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашув ва концерт дастурлари ўтказилмоқда.

Шу мақсадда пойтахтимиздан 200 нафарга яқин таниқли ҳофизлар, эстрада хонандалари, кино ва театр санъати вакиллари, ижодкор ҳамда маънавият соҳаси вакиллари махсус “Афросиёб” поездида Қашқа воҳасига йўл олди. Қарши темир йўл вокзалида меҳмонларни кутиб олиш маросими катта шодиёнага айланиб кетди.

Эътиборли жиҳати, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ушбу маданият ва санъат байрамида Қашқадарё вилоятидаги мавжуд 813 та маҳалла аҳолисини қамраб олиш режалаштирилган. Шу мақсадда Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан барча маҳаллалар кесимида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, пухта тайёргарлик кўрилди.

Айни кунларда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида маданият ва санъат байрамлари давом этмоқда. Санъаткор ва ижодкорлар энг чекка маҳаллаларга ҳам кириб бормоқда. Одамларнинг қувончи ва таассуротларини сўз билан ифодалаш мушкул.

— Бизнинг қишлоғимизга Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков бошчилигида машҳур санъаткорлар келиб, концерт бериши кимнинг ҳам хаёлига келибди, — дейди Деҳқонобод туманидаги “Оққишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қурбонназар Худойқулов. — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Толиб Ҳожиевнинг чиқиши ва эстрада хонандаси Абдулла Раҳимжонов, “Фарҳод ва Ширин” гуруҳининг қўшиқлари каттаю кичикка завқ бағишлади. Одамлар улар билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди. Бу тадбир, айниқса, ёшларимиз учун жуда фойдали бўлди. Чунки бизнинг маҳалламизда ҳам истеъдодли ёшлар жуда кўп. Келгусида улар ҳам етук санъаткор бўлиб вояга етишида мана шундай учрашувларнинг аҳамияти жуда катта.




Чиндан ҳам, эл севган ижодкор ва санъаткорларнинг чекка қишлоқларга кириб бориши катта воқеа ҳисобланади. Ҳар қандай расмиятчилик ва зўрма-зўракиликдан холи бўлган жонли мулоқотлар мухлисларга қанчалик завқ бағишласа, санъаткорлар ҳам бундан кўтаринки руҳ ва ижодий илҳом олиши шубҳасиз.

Қарши туманининг Қовчин қишлоғида бўлиб ўтган тадбир ҳам чинакам маънода маданият ва санъат байрамига айланиб кетди. Аслида, оддий бир қишлоққа бир йўла Ўзбекистон Қаҳрамони Муножат Йўлчиева, халқ ҳофизи Бекназар Дўстмуродов, халқ артисти Женисбек Пиязов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаров ҳамда Шуҳрат Дарё, Фирдавс Фазлитдинов, Роҳила Рўзимова сингари истеъдодли эстрада хонандалари ташриф буюриб, концерт бериши ҳақиқатан ҳам катта воқеа ҳисобланади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир Бобур Бобомурод эса ўзининг ажойиб шеърлари билан даврага ўзгача файз бағишлади.

— Биз Косон, Чироқчи, Қамаши туманларидаги маҳаллаларда ҳам концерт дастурларини намойиш қилиб, одамлар билан мулоқот қилдик, — дейди Муножат Йўлчиева. — Ҳамма жойда юртдошларимиз бизни катта хурсандчилик билан



кутиб олмоқда. Давраларни тўлдириб ўтирган кексаю ёшнинг чеҳрасидаги қувонч, миннатдорлик ҳиссини кўрганда кишининг кўнгли ёришиб кетади. Бундай кезларда халқимизнинг санъатни қай даражада севиб-ардоқлашини янада чуқурроқ ҳис қиламиз. Хуллас, биз ҳам бундай учрашувлардан жуда катта руҳ оляпмиз. Мен Қашқадарёда ўтказилаётган маданият ва санъат кунлари давомида бир нарсани янада чуқурроқ англадим: халқ артисти тез-тез халқнинг ҳузурига бориб, одамлар билан учрашиши, мана шундай концертлар орқали ижодий ҳисобот бериб туриши керак экан. Ана шунда у эл-юртнинг ҳурматини қозониб, янги-янги марралар сари илҳом олади.

### “САНЪАТКОРЛАР ҲАМ ОДДИЙ ИНСОН ЭКАН!”

Юқорида таъкидлаганимиздек, янги ташкил этилган Кўкдала туманида айни пайтда катта ўзгариш ва янгиланишлар юз бермоқда. Навқирон туманнинг маъмурий маркази этиб белгиланган Еттитом шаҳарчасида Президентимиз кўрсатмасига асосан замонавий инфратузилмани ривожлантириш ишлари бошлаб юборилган.

Бу ерда қисқа фурсатларда туман ҳокимлиги ва маҳаллий идоралар учун бинолар, “Янги Ўзбекистон” массиви, боғча ва мактаблар, поликлиника, истироҳат боғи, халқаро аҳамиятдаги йўл бўйида хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуалари қад ростлайди. Умуман, мазкур ҳудудда истиқомат қиладиган 182 минг нафар аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш, ҳудудни иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилади.

Ана шундай улкан бунёдкорликларга юз тутган навқирон Кўкдала тумани ҳам йирик маданий-маърифий анжуманга мезбонлик қилди. 6 май куни тумандаги Олтин бошоқ, Чорвадор, Бегламиш, Пахталисой, Хўшали ва Тошли маҳаллалари аҳолиси иштирокида ўтказилган концерт дастурлари том маънода санъат байрамига айланиб кетди. Тадбирда Ўзбекистон халқ бахшиси Абдумурод Раҳимов, Илёс Арабов, Саъдулла Қорабоев, Алижон Исоқов, “Фарҳод ва Ширин” ижодий гуруҳининг чиқишлари одамларга олам-олам завқ бағишлади.

Беш юз нафардан ортиқ киши иштирок этган учрашувда Республика Маънавият ва маърифат маркази мутасаддилари ҳамда таниқли ижодкорлар ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашда адабиёт ва китобхонликнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Шу куни тумандаги имконияти чекланган болаларга китоблар жамланмаси ва махсус совғалар тақдим қилинди.

Шаҳрисабз шаҳридаги тарихий Оқсарой мажмуасида Ғиёс Бойтоев, Александр Бекжонов ва бошқа қатор санъат намояндалари иштирокида уюштирилган тадбир юртдошларимиз билан бир қаторда, бу ерга ташриф буюрган хорижлик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Шаҳардаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактаби, Кулоллик, Зингирон, Қўшхона ҳамда Хабарлик маҳаллаларида ҳам дилбар куй-қўшиқлар ва шўх рақслардан иборат дастурлар намойиш қилинди.

— Мана шундай ижодий сафарлар давомида халқимизнинг қай даражада санъатсевар, самимий ва меҳмондўст эканини янада яққолроқ ҳис этамиз, — дейди Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри директори Александр Бекжонов. — Шунинг учун биз Қашқадарё вилоятидаги маҳаллаларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ижодий сафарга йўл олдик. Бир неча кундан буён давом этаётган маданият ва санъат байрами давомида биз ушбу ташаббус қанчалик чуқур ҳаётий аҳамиятга эга эканига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ҳамма жойда юртдошларимиз бизни шоду хуррамлик билан қарши олмоқда. Бундай тадбирлар санъат ва ижод аҳлини халқ билан янада яқинлаштиришга хизмат қилиши яққол намоён бўлмоқда.

Чироқчи туманидаги олис ҳудудлардан бири бўлмиш Лангар маҳалласида ўтказилган байрам ҳам одамларга кўтаринки кайфият бағишлади.

— Тоғлар орасидаги қишлоғимизга пойтахтдан таниқли санъаткорлар келиб, концерт намойиш қилганидан жудаям хурсанд бўлдик, — дейди бу ерда истиқомат қилувчи нуроний отахон Музроф Сайфиддинов. — Шу пайтгача уларни фақатгина кино ва телевизорда кўрардик. Буни қарангки, бугун уларнинг ўзи бизнинг ҳузуримизга келди. Шу баҳона улар билан суҳбат қурдик, камтарин, самимий инсонлар экан. Барака топсин ҳаммаси!

— Бевосита маҳаллаларга бориб, юртдошларимиз билан юзма-юз учрашиш жуда долзарб ва ҳаётий ташаббус эканига маҳаллаларда ўтказилаётган байрамлар давомида ўз кўзимиз билан кўриб, ишонч ҳосил қиляпмиз, — дейди маданият вазири Озодбек Назарбеков. — Биз шу йўл билан ҳар бир фуқаронинг қалбида ватанпарварлик, ўз юртидан ғурур-ифтихор туйғусини кучайтиришга, “Инсон қадри учун” тамойилини кенг тарғиб қилишга интиламиз. Ўзим ҳам ҳар куни саҳнадаман. Аҳоли билан мулоқот жараёнида уларнинг самимий муносабатидан илҳомланиб, қўшиқ ижро қилмасдан чиқиб кетолмаяпман. Кўряпмизки, халқимиз ҳақиқатан санъатни, санъаткор аҳлини соғинган. Шунинг учун ёшу қари бирдек ҳар бир сўзимизни, ижромизни, чиқишимизни диққат билан тинглаяпти.

### БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН

Ҳозир воҳанинг қай бир гўшасида бўлманг, байрам тантаналарининг, шодиёналарнинг устидан чиқасиз. Одамларнинг хурсандлигини айтмайсизми. Айниқса, киносевар ёшлар шу пайтгача ўзлари ғойибона ҳавас қилиб юрган актёрлар билан юзма-юз кўришганидан бениҳоя хурсанд. Таъбир жоиз бўлса, Қашқадарёда одамларнинг ҳар бир куни тўйга айланяпти, хуш кайфият дилдан-дилга кўчяпти.

— Бундай тадбирлар шу кунгача бўлмаган, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Бекназар Дўстмуродов. — Бугун мамлакатимиздаги ислоҳотларни ҳар бир маҳаллага олиб киришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биз, санъаткорлар ҳам бу эзгу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, Қашқадарёга етиб келдик. Зотан, одамлар билан юзма-юз учрашишни ўзимиз ҳам соғинган эдик. Ягона мақсад атрофида бирлашган санъаткорлар, ижодкорлар ва маънавият соҳаси вакиллари воҳанинг олис ҳудудлари, чекка қишлоқларигача кириб бормоқда. Шу йўл билан одамларнинг кайфиятини кўтариб, ёшларга мотивация беряпмиз.

— Маҳаллаларда пойтахтимиздан ташриф буюрган зиёли ва санъаткорлар иштирокида маънавий-маърифий, маданий тадбирлар қизғин руҳда ўтмоқда, — дейди Нишон туманида яшовчи Шарофат Сафарова. — Бундай учрашувларда янги Ўзбекистонда озод ва эркин, фаровон жамият




барпо этиш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижалари, жамиятимиздаги янгиланишлар ҳақида ҳам самимий мулоқотлар бўлиб ўтмоқда. Тўғриси, илгари бундай учрашувларни фақат орзу қилардик. Айниқса, машҳур санъаткорларнинг маҳалламизга келиб, жонли қўшиқ ижро этишини тасаввур қила олмас эдик. Энди машҳур замондошларимиз, улуғ санъаткорлар билан учрашиш учун Тошкентга боришимизга ҳожат қолмади. Уларнинг ўзи маҳалларимизга, қишлоқларимизга келиб, халқимизга хизмат қилмоқда.

### ИНСОН — АЗИЗ, ХОТИРА — МУҚАДДАС!

Қашқадарёда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар иштирокчилари 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва нуронийларнинг ҳам ҳолидан хабар олди.

Хусусан, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов бошчилигидаги “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари ва бир гуруҳ санъаткорлар Чироқчи туманида истиқомат қиладиган уруш қатнашчиси Жўра Ёдгоров хонадонида бўлди. Шу куни Жўра бобога Президентимиз номидан йўлланган табрик хати ўқиб эшиттирилиб, 15 миллион сўм пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Мени фронтга кузатаётган яқинларимнинг юзидаги изтиробни яхши эслайман, — дейди 96 ёшли Жўра бобо. — Ўша вақтларда мана шундай осойишта ва фаровон кунлар келишини ким тасаввур қилибди, дейсиз. Доимо юртимиз тинчлигини ўйлаб, фарзандларимизнинг бахтли-саодатли ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратиб бераётган Президентимиздан миннатдорман. Айниқса, биз каби уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган юксак ғамхўрликдан бошим кўкка етди. Илойим, юртимиз доим тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

### КИНО ИЧИДА ВА ТАШҚАРИСИДА

“Маърифат карвони” тадбирлари доирасида Ўзбекистон Кинематография агентлиги томонидан “Киноклуб” махсус автотранспортлари ёрдамида маҳаллаларда янги миллий фильмлар ҳам кенг намойиш этилмоқда. Айниқса, ушбу картиналарда асосий қаҳрамонлар образини яратган таниқли кино усталарининг тадбирларда иштирок этиши унга бўлган қизиқишни оширмоқда.

— Бундай учрашувлар нафақат кино мухлислари, балки санъаткорлар учун ҳам жуда фойдалидир, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матёқуб Матчонов. — Яхши кинофильмлар тарғиботи, жонли ижодий учрашувлар ва айниқса, ўзаро мулоқотлар юртдошларимизнинг янги Ўзбекистонда юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англашига замин яратади.

Тадбирлар давомида “Илҳақ”, “Ўткан кунлар”, “Матонат мактаби”, “Абдулла Орипов” сингари янги суратга олинган бир қатор бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш қилинмоқда. Энг муҳими, мактаб ўқувчилари ўртасида мазкур фильмлар бўйича ижодий ишлар танловини ўтказиш йўлга қўйилган. Ушбу танлов дастлаб туман, кейинчалик вилоят босқичи ўтказилиб, ғолибларни муносиб тақдирлаш кўзда тутилган.

Қарши шаҳридаги Шайхали маҳалласида жойлашган 18-Мурувват уйида Кинематография агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган “Мен террорчи эмасман” фильми намойиши ҳам томошабинларда катта таассурот уйғотди.

— Сўнгги йилларда кўплаб янги фильмлар яратилмоқда, — дейди Кинематография агентлиги масъул ходими Барно Ўнгбоева. — Биз ана шу фильмларда илгари сурилган эзгу ғояларни маҳаллалар кесимида, ҳар бир юртдошимизнинг қалбига етказишимиз керак. Бу галги тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборат. Ўйлайманки, Қашқадарё вилоятида бу йўналишда тўпланадиган ижобий тажрибаларни тез орада бутун мамлакатимиз бўйлаб жорий қиламиз.

Тадбирлар доирасида таниқли режиссёрлар қашқадарёлик иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги фильмлар учун кастинг ва видео-танловлар ташкил этишни режалаштирганини ҳам таъкидлаш лозим.

— Киноижодкорларга халқнинг меҳри ва эътибори алоҳида руҳ ва иштиёқ бағишлайди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шоҳида Узоқова. — Мана шундай тадбирларда биз ана шу меҳрни чуқурроқ ҳис қиламиз. Бугун Президент ташаббуси билан Қашқадарёга келдик, маҳаллалардаги учрашувларда одамлар билан ўзбек санъати, айниқса, миллий киномиз ҳақида дилдан суҳбатлашяпмиз. Улар томонидан билдириладиган таклиф ва истаклар бизга келгуси ижодий режаларимизни белгилаб олишимизда қўл келади.

Бугун Қашқадарё вилоятининг барча шаҳар ва туманларида маданият ва санъат байрамлари қизғин тусга кирган. Муҳими, бундай тадбирларга ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар ва уюшмаган ёшларни жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, барча қишлоқ ва маҳаллаларда илк бор ўтказилаётган анжуманлар юртимиз маданий ҳаётида ўзига хос воқеага айланмоқда.

**Нодир МАҲМУДОВ,**
**Акбар РАҲМОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

# НАЙСОН ҚЎШИҒИ

## ЁХУД ИККИ АЁЛНИНГ ҲАЁТИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРГАНИ ҲАҚИДА

**Зулфия МЎМИНОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

**Яхшилик ва савоб. Улар замирида қанчадан-қанча қутлуғ маъно ётибди. Бу сўзлар минг-минглаб одамларга нажот эшигини очади. Тақдирлар, кечмишлар, беморликлар, ночорликлар, адашишлар, алданишлар, хуллас, бандасининг бошига тушадиган савдолар туфайли бошпанасиз, боз устига ҳар куни қалби яраланиб, кўнгли бузилиб, қай эшикдан ёрдам сўрашни билмай юрган ҳамюртларимизга Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати ва ғамхўрлиги остида меҳру эътибор кўрсатилди.**



Кўпчилик ҳамюртларимизни узоқ йиллар бир оғриқли муаммо қийнаб келди. У шундай азобли эдики, худди ҳеч қачон ҳал этиб бўлмайдигандек туюларди. Бу — уй-жой муаммоси эди. Дунё иқтисоди ўта оғир инқирозга юз тутиб, не бир қудратли давлатлар раҳбари ҳам бу машаққат устида бош қотираётган бир пайтда, Президентимиз катта жасорат, доно сиёсат ила ушбу муаммога ечим топди.

### ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ЭРТАКЛАР

Ҳа, эртаклар кўз ўнгимизда ҳақиқатга айланди. Минглаб азиз инсонларнинг сарсон-саргардонлиги барҳам топди. Хароба бараклар, моғорлаган чордеворлар, тирқишидан ночорлик увлаётган уйларнинг эшиги очилиб, шифтга термулиб ётган ногирон, меҳрга муҳтожлар ёнига шафқат нури кириб борди.

Деярли ҳар куни телевизорда қўлига янги уй калитини олаётган бахтли чеҳраларни кўрдик, кўряпмиз. Уларга карнай-сурнай, доираю ноғора садоси остида "Уй эгаси", деган ҳужжат топширилмоқда.

Уй-жой, иссиқ макон, қуёш нурига тўла ёруғ хоналар, тоза сув, мукаммал шароит, фароғат ўчоғи, ҳаловатли ҳаёт калитини биринчи бўлиб кимлар олди?

Мажолсиз аравачага ўтириб ҳаяжондан титраётган қўллар олди. Раҳмат, деган сўзни ҳам айта олмайдиган забонсиз, аммо юрагидаги сўзлар изҳорини имо-ишоралар билан билдираётган муштипарлар, йиқилиб ётган харобалардан чиқиб, бошқаларнинг кўркам уйига "Бундай уйда қандай бахтли одамлар яшар экан?", дея мўзтар боқувчилар кўзларига суртиб олди. Боқувчисини йўқотган, тақдирнинг тош кўчасида "Энди қандай яшаймиз?", "Энди қаерга бош урамиз?", деб турган етимлар, якка-ёлғизлар олди.

Уларнинг севинч ёшларини кўриб юрагида раҳм ҳисси бор инсонки, ўзини тутиб тура олмайди. **"Президентимиз бизга орзуимиздаги яхшиликни қилди. Умрлари зиёда бўлсин!",** дейди уларнинг барчаси овози титраб. Минглаб ночорлар, беморлар, шикаста жонлар дуоси ижобат бўлғай, иншааллоҳ.

Уй-жойларни ҳақиқий қийналган инсонларга, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга, ногирон, руҳий заифлар, хасталикка чалинганларга берилишида Президент Халқ қабулхонасининг жойлардаги бўлимлари аниқ мақсад билан иш олиб бораётганидан далолат беради.

### РЎЗҒОРНИ-КУ АМАЛЛАСА БЎЛАР, АММО...

Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Шарқ маҳалласида яшовчи Мақсуда Раҳмонованинг бошига мусибат тушди, эри вафот этди, икки норасидасини бағрига босганича бўзлаб қолаверди.



Ўшанда кеч куз, остонада қаҳратон қиличини қайраб турар, раҳматли эри ёмғир ёғса чакка ўтадиган уйини бошқатдан қурмоқчи эди. Афсус, улгурмади. Иккита гулдек боласини едириб-ичириб камолга етказар, рўзғорни-ку бир амаллаб бутлар, аммо янги бошпана қуриш муштипар онанинг қўлидан келмайди.

Ҳар тун эри тушига кириб "Мақсуда сизлардан хавотирдаман, уй йиқилиши мумкин", дерди. Шундай ғам-андуҳ билан ўтирган кунларнинг бирида маҳалла раиси Рамазон Ҳасанов ва ўринбосари Лола Ризақулова кириб келди.

Улар муштдеккина бўлиб хаёлга ботиб ўтирган аёлни Президентнинг Ғиждувон туман Халқ қабулхонасига олиб борди. Қабулхона мудири Усмон Ҳалимов мотам кийимидаги рангпаргина аёлнинг дардини диққат билан эшитди. Мақсуда ўша куниёқ "Аёллар дафтари"га киритилди.

— Эртага уйингизга борамиз. Сиз ҳужжатларни у ёқдан, бу ёққа кўтариб сарсон бўлиб юрманг, — деди унга Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси Рашид Муҳиддинов.

Айтилган вақтда уйига Усмон Ҳалимов, туман 4-сектор раҳбари Ориф Ўроқов, сектор ходимлари ва маҳалла фаоллари кириб келди.

Аҳвол оғирлиги кўриниб турарди. Уй таъмирлаб бўлмайдиган даражага тушиб қолган, Худо кўрсатмасин, кучли ёғингарчилик бўлса, уй қулаб аёл ва болаларини том босиб қолиши мумкин...

— Уйингизни бузиб, ўрнига янгисини қуриб берамиз. Ҳаммасини бошдан бошлаймиз, ўзга илож йўқ. Сизлар вақтинча ижарада яшаб турасиз, — деди сектор раҳбари.

Орадан бир ҳафта ўтиб, бева аёлнинг уйида қурилиш бошланди. Аввал нураб ётган деворлар олиб ташланди. Қачонлардир ҳовлини ўраб турган, йиллар ўтиб нураган деворлар бир зарб билан тутдек тўкилди.

Бульдозер ҳовлини бир кунда кафтдек текис ҳолатга келтирди. Юк машиналари турнақатор бўлиб ғишт, қум, шағал, ёғоч, профнастил, цемент ташиди. 20 нафар уста енг шимариб ишга тушди.

### "БИРИНГИЗ ОТАМ, БИРИНГИЗ АКАМ, БИРИНГИЗ УКАМСИЗ"

Икки ой деганда қурилиш тугаб, шинамгина ҳовли қад ростлади. Навбат дарвозага келганда, Мақсуда "Аввал ҳам дарвозамиз йўқ эди, шунга ўрганиб кетганмиз", деди. "У пайтда эрингиз ҳаёт бўлган. Эркакли қўрғонга бегона йўламаган. Энди бошингизда қўриқчингиз йўқ, дарвоза ўрнатмаса бўлмайди", деди Орифжон Ўроқов. Чиройли дарвоза ҳам ўрнатилди. Шу тариқа шинамгина уйнинг калитини қабул қилиб олган Мақсуда "Кеча раҳматли эрим тушимга кириб, "энди сизлардан хавотирим йўқ", деди. Ҳаммангизга раҳмат. Менга ҳеч ким қилмаган яхшиликни Президентимиз ва катта командаси қилди. Бирингиз отам, бирингиз акам, бирингиз укамсиз. Биламан, мен сизлар қилган яхшиликни қайтаролмайман. Сизлардан Аллоҳ рози бўлсин", дея кўзидаги қувонч ёшларини артди.

Кўнгли тоғдек кўтарилган Мақсуда Раҳмонова ҳозирда касаначилик билан шуғулланади. Оила боқувчисини йўқотгани учун нафақа олиши билан бирга, ҳунари ортидан 2 миллион сўмгача даромад қилади.

Маҳалла аҳли илгари у ҳақда гапирса, "Эри вафот этган бечора, бева шу аёлга қийин бўлди-да", деган бўлса, энди "Ўзимизнинг чевар Мақсуда роса чаққон, ораста аёл-да, болалари ҳам тарбияли", дейишади. У ҳозир "Аёллар дафтари"дан чиққан.

> **КЎНГЛИ ТОҒДЕК КЎТАРИЛГАН МАҚСУДА РАҲМОНОВА ҲОЗИРДА КАСАНАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ. ОИЛА БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНИ УЧУН НАФАҚА ОЛИШИ БИЛАН БИРГА, ҲУНАРИ ОРТИДАН 2 МИЛЛИОН СЎМГАЧА ДАРОМАД ҚИЛАДИ.**
> **МАҲАЛЛА АҲЛИ ИЛГАРИ У ҲАҚДА ГАПИРСА, "ЭРИ ВАФОТ ЭТГАН БЕЧОРА, БЕВА ШУ АЁЛГА ҚИЙИН БЎЛДИ-ДА", ДЕГАН БЎЛСА, ЭНДИ "ЎЗИМИЗНИНГ ЧЕВАР МАҚСУДА РОСА ЧАҚҚОН, ОРАСТА АЁЛДА, БОЛАЛАРИ ҲАМ ТАРБИЯЛИ", ДЕЙИШАДИ. У ҲОЗИР "АЁЛЛАР ДАФТАРИ"ДАН ЧИҚҚАН.**

### "ЎЗБЕКИСТОНДА ЭМАС, БОШҚА ДАВЛАТДА ЯШАГАНИМДА, ЙЎЛИМНИ ЙЎҚОТИБ, АЛЛАҚАЧОН ХОР-ЗОР БЎЛИБ ЮРАРМИДИМ"

Шарқ маҳалласи Кабоби кўчаси биринчи муюлишда яшовчи, турмуш ўртоғи вафот этган Дилафрўз Ҳошимованинг тақдир чигаллигига ҳам Президентнинг Ғиждувон тумани Халқ қабулхонаси томонидан ечим топилди.

Унга 2-сектор ташаббуси билан икки хонали уй қуриб берилди. Уйи яқинидаги корхонага ип йигирувчи бўлиб ишга жойлашди. Ойлиги 2 миллион сўмга яқин.

— Агар Ўзбекистонда эмас, бошқа давлатда яшаганимда, йўлимни йўқотиб, аллақачон хор-зор бўлиб юрармидим. Ота-онам ва турмуш ўртоғим кетма-кет вафот этди. Уларнинг дафн маросимлари ўтгач, атрофимда ҳеч ким қолмади. Ўша пайтда қўлимда ҳунарим, дипломим йўқ, ишсиз эдим, — дейди Дилафрўз Ҳошимова биз билан суҳбатда. — Якка-ёлғиз қолганимда ёнимга элдошларим, маҳаллам ва Халқ қабулхонасидагилар келди. Худди тушимда бўлгани каби уй ҳам қуриб беришди, ишга ҳам жойлаштиришди. Мана энди ўзимнинг меҳнат жамоам бор. Корхонамиздагилар билан бир оиладек аҳил-иноқмиз. Байрамларда, маҳалламдагилар билан зиёратларга борамиз. Тобим қочса, ҳамкасбларим етиб келади. Уйсизликни ҳам, ёлғизликни ҳам бошимдан ўтказдим. У кунлар орқада қолди. Энди билсам Ватани бор одам ҳеч қачон ғаму ғурбатда қолмас экан, давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдорман, улар туфайли менга беминнат яхшилик қилишди.

### ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ — ХАЛҚ ҚАДДИНИ ТИКЛАЙДИГАН МАСКАН

Бу икки аёлнинг тақдиридаги кечмишларни тинглар эканман, донишмандлар айтганидек, яхшиликнинг асоси уч нарсада: биринчи, барчага нисбатан риёсиз камтарликда, иккинчи, миннатсиз саховатда, учинчи, ҳақ талаб қилинмайдиган хизматда.

Ҳа, жаннатмонанд диёримизда халқимизнинг бахтли ва саодатли ҳаёти учун давлатимиз томонидан олиб борилаётган тизимли ишлар, уларнинг фаровон ва тўкис яшаши учун яратилаётган имтиёзлар негизида инсон қадри ва шаъни учун, деган олий ҳикмат мужассамки, биз уни оддийгина қилиб яхшилик, деб атаймиз.

Аслида ҳам Халқ қабулхоналари — халқимизнинг қаддини тиклайдиган, суяб мадор берадиган, яшаш учун куч тортиқ этадиган маскан. Эзгулик, хайру саховат йўлида фаолият олиб бораётган, энг муҳими, ҳақ талаб қилмайдиган беминнат хизматдир.

> **БУ ИККИ АЁЛНИНГ ТАҚДИРИДАГИ КЕЧМИШЛАРНИ ТИНГЛАР ЭКАНМАН, ҲАКИМЛАР АЙТГАНИДЕК, ЯХШИЛИКНИНГ АСОСИ УЧ НАРСАДА: БИРИНЧИ, БАРЧАГА НИСБАТАН РИЁСИЗ КАМТАРЛИКДА, ИККИНЧИ, МИННАТСИЗ САХОВАТДА, УЧИНЧИ, ҲАҚ ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИГАН ХИЗМАТДА.**
> **ҲА, ЖАННАТМОНАНД ДИЁРИМИЗДА ХАЛҚИМИЗНИНГ БАХТЛИ ВА САОДАТЛИ ҲАЁТИ УЧУН ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ТИЗИМЛИ ИШЛАР, УЛАРНИНГ ФАРОВОН ВА ТЎКИС ЯШАШИ УЧУН ЯРАТИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАР НЕГИЗИДА ИНСОН ҚАДРИ ВА ШАЪНИ УЧУН, ДЕГАН ОЛИЙ ҲИКМАТ МУЖАССАМКИ, БИЗ УНИ ОДДИЙГИНА ҚИЛИБ ЯХШИЛИК, ДЕБ АТАЙМИЗ.**



# ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ:

## ЯНГИ ТИЗИМНИ УЗОҚ ЙИЛЛАР МЕВА БЕРАДИГАН БОҚҚА ЎХШАТАМИЗ

**Низомиддин АБДУРАҲМОНОВ,**
**Марғилон шаҳар ҳокимининг "Дўстлик" МФЙдаги ёрдамчиси**

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "маҳаллабай" ишлаш тизими натижалари таҳлил этилган видеоселектор йиғилишидаги фикрларини эшитиб, бир йил олдин кўпгина ўрта бўғин раҳбарларининг "маҳалладан бошқа ишимиз йўқми", деган гапларини эсладим.

Кейинги уч ойда эса яна бир муҳим масала — "маҳаллабай" ишлаш тизимининг долзарблиги, айниқса, ушбу тизимга миллиардлаб маблағ ажратилаётгани кенг муҳокама қилинди.

Ушбу муҳокамалар бугун ҳам тингани йўқ. Аммо олий ҳакам — вақт бу борада енгил ўйлаганлар фикрини ижобий томонга ўзгартирди, десам хато бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги вазмин ва узоқни кўзлаган сиёсати туфайли узоқ йиллардан буён жамият танасига оғриқ бераётган ижтимоий иллатлар илдизини таг-томири билан йўқ қилишга, энг чекка қишлоқ, овул ва узоқ йиллар давомида эътиборга ҳам тушмаган кўчаларда яшаётган оилаларнинг тўғридан-тўғри давлат ёрдамини ҳис этишига имкон яратилгач, оддий одамлар қозона бошлагани, минглаб юртдошларимиз учун ишончли кўприкка айлангани ҳақиқат.

Бугун бозор иқтисодиёти шароитига кўника олмаётган, ҳаётда омади чопмаган, маълумоти бўлса-да, иқтидор ёхуд салоҳияти панд берган ёки бирон-бир сабаб билан оиласи, ишидан айрилиб қолган кишилар, ҳатто ногиронлар ҳам Президентимиз ташаббусининг реал натижаларини эътироф этмоқда.

Биз маҳалламизда мазкур вазифага киришганимиздан буён 5 фуқарога 170 миллион сўм миқдорида кредит олдик. Ҳозир яна 12 талабгоримиз бор. Очиғи, ҳар йили ажратилиши кўзда тутилган 700-800 миллион сўм маблағ маҳалламиз фуқаролари, айниқса, энди-энди бизнесга кириб келаётган юртдошларимизга катта йўл очиб беряпти.

Шуни айтишим керакки, кредит олиб, ўз ишини бошлаган 5 фуқаро ҳам олдинига ишонмаган, ҳатто бунга умид ҳам қилмаган эди. Бугунга келиб эса шу фуқаролар орқали маҳалламизда ўндан ортиқ киши иш билан таъминланди. Бугун улар оиласини, бола-чақасини боқяпти, даромад кўряпти.



Мен юқорида битта маҳалла ҳақида гапирдим. Бугун 935 оила истиқомат қилаётган Марғилонда 54 маҳалла бор. Шу кунгача ҳар бир маҳалланинг 5-6 фуқаросига 200 миллион сўмгача кредитлар берилди. Бу ҳатто 150 миллиондан ҳисобланган тақдирда ҳам 3 ойда 40 миллиард сўмдан ортиқ маблағ берилди, дегани. Йил охиригача эса яна 600 га яқин кишига кредит бериш режалаштирилган. Бошқача айтганда, бу яна шунча оила даромадига даромад қўшилишини, ўртача 1,5 минг киши иш билан таъминланишини билдиради.

Эътибор беринг: Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги фармонига мувофиқ, ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари лавозими таъсис этилганидан кейин жойлардаги шароитлар ўрганилиб, улар тўртта тоифага бўлиб чиқилди.

Натижада жами хонадонларнинг 11 фоизи кам даромадли, 6 фоизи ижтимоий ёрдамга муҳтож, 47 фоизи қўшимча даромадга эга эҳтиёжманд, 36 фоизи эса тўқ оила экани аниқланди.

Ана шу давр оралиғида айнан янги институт — ҳоким ёрдамчилари ташаббуси, таклифи ёки тавсияси билан деймизми, 50 мингта оилавий тадбиркорлик лойиҳасига 1 триллион 300 миллиард сўм миқдоридаги кредитлар, 20 миллиард сўмлик субсидиялар берилди. Энг муҳими, жойларда 47 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Яна бир мисол: узоқ вақт эътиборсиз қолдирилган ҳудудларда 8 мингта кичик саноат ва сервис хизматлари ташкил этилди. Бу бор-йўғи 3 ойда эришилган натижалар, холос.

Қўлимизни кўксимизга қўйиб айтиш лозим: марҳамат, бугун янги — "маҳаллабай" ишлаш тизимининг реал натижаларини кўриш учун истаган ҳудудга, ҳатто энг чекка туманнинг энг чекка маҳалласи ё кўчасига боринг, барчасини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Юртдошларимиз ўз оиласи, қўни-қўшни ёки узоқ қариндоши мисолида ҳам ўзгаришларни ҳис этяпти. Тўғри, ҳали ушбу тизимнинг охиригача буралмаган "винт"лари борлигидан ҳеч ким кўз юмаётгани йўқ. Аммо янги тизим одамлар ишончининг ҳам бу ўзгаришларга бўлган ишончи ортди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси билан яратилган янги тизим кўплаб муаммоларни ҳал этяпти. Фақат биз — ҳоким ёрдамчилари бугунги шиддаткор даврда зиммамиздаги масъулиятга кенгроқ қарашимиз керак. Президентимиз тавсияларини, белгилаб берган устувор йўналишлар моҳиятини эринмай одамларга тушунтиришимиз зарур. Ҳатто ўзимизни ҳокимларнинг эмас, балки Президентимизнинг жойлардаги ёрдамчиларидек тутишимиз ва шунга лойиқ бўлишимиз лозим. Шундагина тизим самарали ишлайди, одамлар ишончи мустаҳкамланади. Энг асосийси, аҳоли, айниқса, ёшлар давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ғоялар атрофида янаям маҳкам бирлашади.

Яна бир гап: Президентимизнинг маҳалла тизими ва ҳоким ёрдамчиларини ташкил этишга доир ташаббуслари асосида жойларда тадбиркорликнинг янги қатлами пайдо бўляпти. Бу жуда муҳим омил. Шу маънода янги тизимни ҳеч иккиланмасдан, узоқ йиллар мева берадиган янги боққа ўхшатса бўлади.



# ХОТИРА БОР ЭКАН – МИЛЛАТ БАРҲАЁТ

# ҚАДРИЯТЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

## ЁХУД МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИГАН МАЪНАВИЙ ОМИЛ

**Карим НОРМАТОВ,**
**ИИВ Малака ошириш институти профессори, тарих фанлари доктори,**
**Музаффар ТОЖИБОЕВ,**
**ИИВ Академияси доценти, тарих фанлари доктори**

**Инсон хотираси билан тирик, қадр-қиммати билан улуғ! Ўтганларнинг хайрли ва эзгу ишлари, жасоратию қаҳрамонлигини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизнинг азалий қадриятларидан. Аждодлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш қон-қонимизга сингиб кетган. Зотан, хотира ўтмишни англатиб турувчи муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Қадр эса инсонни юксакликка кўтаради, унинг орзу-интилишларига олижаноблик бағишлайди, истиқболни белгилайди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев куни кеча 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан қаҳрамон ота-боболаримиз жасорати ва хотирасига юксак ҳурмат-эҳтиромини яна бир бор ифода қилди. Ғалаба боғига ташриф буюриб, “Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни қутлуғ айём билан чин қалбдан табриклади. Давлатимиз раҳбари шу куни Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан ҳам хабар олди.

Таъкидлаш керакки, байрам арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 15 миллион сўмдан бир марталик пул мукофоти ва совғалар топширилди.

Собиқ иттифоқда қадрият мавзуси 60-йилларгача тадқиқ этилмас эди. Янги Ўзбекистонда бу масалага диққат-эътибор кенгайди. Негаки, қадрият мустақилликни мустаҳкамлайдиган маънавий омилдир. Қадрланадиган маънавий ва моддий нарсалар, ҳодисалар қадрият дейилади. Аслида эса ана шуларнинг ижтимоий аҳамияти қадриятнинг ҳақиқий баҳосини аниқлайди.

Янги Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги эътироф қилинди, миллий қадрият ҳамда шахс манфаатларини умуминсоний талабларга мослаштириш ва уйғунлаштириш асосий вазифа бўлиб қолди. Фуқаролик жамияти тараққий этгани сайин юртимизда умуминсоний қадрият тамойиллари кўпайиб бораверади ва бу ўзгаришлар ўз ривожида қандай янги чўққиларни эгаллаётганининг белгиси бўлади: эркинлик ва тинчлик ҳамда ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат, маърифат, маънавият, гўзаллик, яхшилик, инсонпарварлик, инсонийлик, демократик ҳуқуқий жамият, қонун устуворлиги, хотин-қизларнинг гендер тенглиги ва бошқалар.

Инсоният тарихи — қадрият дунёсининг кенгайиши, бойиш ва такомиллашиш тарихи. Моддий ва маънавий бойликлар оламининг гултожи, сараси қадриятдир. Унинг мезонлари кишиларга, уларнинг хулқ-атворини тартибга солиш ва тўғри йўналтиришга хизмат қилади. Бундай ўзига хос бошқаришнинг самарадорлиги кишиларимизнинг қадрият оламини билишига боғлиқ. Бу борада аллома адиб Ойбек “Ўқинг, ўрганинг, турмушни билинг, меҳнат нашъасини, завқини туйинг ва қадрига етинг”, деган эди.

Умуминсоний қадриятлар аҳамиятининг ошиб бориши инсоннинг миллий ва кўпмиллатли муҳитдаги мавқеини сезиларли даражада ўзгартиради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда миллий ва миллатлараро манфаатларни ўзаро боғлашнинг мақбул йўналиш ва вариантларини белгилаб олиш, янгиланиш жараёнларининг келажакдаги оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, ўзининг амалий фаолияти чегараларини тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ва миллатлараро умуминсоний қадриятлар кўпмиллатли жамиятда шахс борлиғининг бир-биридан ажралган ҳамда иккита алоҳида шакли сифатида намоён бўлиши мумкин эмас. Улар ягона жараённинг узвий иккита жиҳати сифатида ўзаро бир-бирига боғлиқ. Шахснинг маънавий дунёсида миллий ва миллатлараро қадриятлар намоён бўлишига кўра бир-бирига тенг эмас. Улар ўртасида тил ва маданий бирлик, умумий тарихий ўтмишнинг мавжудлиги ва мавжуд эмаслиги инкор қилинади, турли миллат ва элатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг яқин ўтмишдаги даражаси ҳисобга олинмайди. Ушбу ҳолларда умуминсоний қадриятлар билан бойиб бориш жараёнини “англаб олиш” мураккабдир. Демак, “миллий омил”, “миллий ўзига хослик”, “миллий жараёнлар” ва умуман, “миллийлик” тушунчалари доимо ривожланишда бўлиб, мунтазам равишда миллатлараро ва умуминсоний мазмун билан бойиб боради. Умуминсоний, миллатлараро қадриятларнинг миллий қадриятга айланиш механизми — оддий механик тарзда қўшилиб кетиши эмас.

Жаҳон мамлакатлари ва уларнинг ривожланишини халқлар дўстлиги — бағрикенглик қадриятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” номли қомусий асарида ҳар қандай жамиятнинг аъзоси — инсон турли халқлар, элатлар ва этник гуруҳлардан таркиб топади, деб ёзади. Яъни, ягона миллатдан иборат жамият ёки давлатнинг вужудга келиши, равнақ топиши мумкин эмас! Шу боис, ҳозирги глобаллашув даврида бағрикенглик муаммоси инсон қадриятларининг муҳим таркибий қисмига айланди. Ҳазрат Навоий қайд этганидек, инсоннинг нафси унинг бағрикенглигига завол келтиради. Шунинг учун ҳам бағрикенглик қадрияти инсонлараро дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ҳомийлик, очиқ кўнгиллилик, яхшилик ва эзгу ниятларни амалга ошириш билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари — олий қадрият ҳисобланади”, дейилган.

Сўнгги йилларда 9 май санаси янги Ўзбекистоннинг юксак қадриятларига эҳтиром ифодаси ўлароқ намоён бўлмоқда. Чунки унинг замирида юрт озодлиги ва тинчлиги учун курашган, куч-қудрати, ақл-заковатини аямаган, керак бўлса, жонини фидо қилган ватандошларимизнинг ёрқин хотирасига чуқур эҳтиром кўрсатиш, кексалар ҳолидан хабар олиш, уларни эъзозлаш сингари эзгу фазилатлар мужассам. Ҳақиқатан, Хотира ва қадрлаш куни чинакам миллий умумхалқ байрамига айланди.

*“Мен аввалги чиқишларимда эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган ҳиссаси ҳали тўлиқ ўрганилмагани ҳақида гапириб, жамоатчилигимиз эътиборини шу масалага қаратган эдим...*

*Илгари ёпиқ бўлган архив ҳужжатларини, илмий жамоатчилик учун маълум бўлмаган материалларни ўрганиш учун имконият яратилди. Бу борада собиқ Иттифоқ республикалари ва чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар ва фондлар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кучайтирилди.*

*Ана шундай илмий изланишлар натижасида халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида, қаҳрамон аждодларимиз ҳақида жуда муҳим янги маълумотларга эга бўлдик. Ҳозирги вақтда улар оммавий ахборот воситаларида, китоб ва альбомларда кенг ёритилмоқда”,* деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” асарида.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг машъум қирғиндир. Олти йил давом этган бу урушда 62 давлат, Ер юзи аҳолисининг 80 фоизи иштирок этган. Европа, Осиё ва Африка қитъаларидаги 40 давлатни бевосита қамраб олган қуролли тўқнашувларга 110 миллион киши сафарбар этилган ва 60 миллиондан ортиқ инсон ҳалок бўлган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги миллий тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди. Уруш бошланган пайтда юртимиз аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган. Уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги топилган маълумотларга кўра, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Аёвсиз жангларда мардона қатнашган қарийб 451 минг нафар юртдошимизнинг номлари ва тақдири шунча йиллар мобайнида эътибордан четда қолиб келганини, албатта, текширишимиз ва аниқлашимиз керак.



Баъзи рақамларни келтирамиз: илгари 396 минг нафар Ўзбекистон фуқароси урушда ҳалок бўлган, деб айтиларди. Аслида бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган. 158 мингдан кўпроқ ҳамюртимиз урушда бедарак кетгани ҳам аниқланди.

Илмий изланишлар туфайли орден ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакилларининг сони бўйича илгари 120 минг нафар деб қайд этиларди. Янги маълумотларга кўра, 200 мингдан зиёд матонатли ватандошларимиз давлат мукофотлари билан тақдирланган. Илгари 280 нафар деб ҳисобланган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари сони 301 нафар экани аниқ бўлди, 70 нафар юртдошимиз учала даражадаги “Слава” ордени билан тақдирланганлари ойдинлашди. *“Булар шунчаки оддий рақамлар эмас. Уларнинг замирида муштипар оналаримиз, момоларимиз, мард ва жасур оталаримиз, бутун халқимиз қалбидаги чексиз қайғу ва ҳасрат мужассам. Бу дарду аламларни ҳеч қандай рақам, ҳеч қандай сўз билан ифодалаб бўлмайди”,* деган эди Президентимиз.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз — Ватанимизнинг мард ва жасур фарзандларини ёддан чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Уларнинг номи Тошкентдаги Хотира майдонига ўрнатилган Хотира китобларига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган.

Ҳозирги пайтда миллий ғурур ва ифтихор туйғусига айланган айрим воқеа-ҳодисалар ҳам хотирланади ҳамда катта қадр-қимматга эга саналади. Чунончи, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари, кейинчалик Тошкент вилоятининг чегара ҳудудларига бостириб кирган террорчиларга қарши жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар орасида Ички ишлар органлари ходимлари ҳам бор эди. Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида содир этилган терактлар (1999 йил 16 февраль) оқибатида бир неча осойишталик посбонлари дунёдан кўз юмди. Қолаверса, ашаддий жиноятчилар билан олишувлар вақтида ҳам бир қанча ходимларимиз мардларча ҳалок бўлди.

Хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар органлари ходимларининг оила аъзолари ҳолидан доимий хабар олиб турилади. Уларга моддий-маънавий кўмак берилади. Шунингдек, ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларига — ўқишга ёки ишга кириши учун имтиёзлар жорий этилганки, бу мамлакатимизда инсон қадри улуғланаётганининг ёрқин далилидир.

Аждодларни, уларнинг юрт тинчлиги ва ободлиги йўлида қилган хайрли амалларини ёд этмоқ, кексаларни, фахрийларни ардоқлаш, кўмакка муҳтожларга ёрдам кўрсатиш бугун том маънода миллий қадриятимизга айланди. Зеро, инсон — ҳаёт гултожи, унинг қадри, ҳурмати абадий эъзозга лойиқ.

**Қутбиддин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси**

Бошланиши 1-бетда

**Шу сана муносабати билан Президентимиз пойтахтимиздаги Ғалаба боғига ташриф буюриб, жумладан, шундай деди:**

**— Бугун ушбу Ғалаба боғида туриб, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни қутлуғ айём билан чин қалбимдан табриклайман. Бундай дамларда қаҳрамон ота-боболаримиз хотирасини ёдга олиб, уларнинг жасорати олдида таъзим қиламиз. Уларнинг тинчлик ва озодликка бағишлаган серқирра ҳаёт йўли келгуси авлодлар учун ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган буюк меросдир.**

# АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ АВЛОДЛАРГА ИБРАТ

Дарҳақиқат, бу азиз мерос бизнинг бугунги фаровон ҳаётимиз асосидир. Шу боис, ота-боболаримизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги матонати асло унутилмайди. Бунинг учун мустаҳкам заминга эгамиз. Хусусан, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимиз чуқур ўрганилмоқда. Бу урушда аждодларимиз қаҳрамонлиги, халқимизнинг фронт ортидаги жасорати ва фидойилиги ҳар томонлама тадқиқ этилаётир. Пировардида, ота-боболаримизнинг қаҳрамонлиги ва жасоратини акс эттирадиган янги-янги маълумотлар оммага тақдим этилди. Хусусан, Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ватандошларимиз сонига ҳам аниқлик киритилди.

Илгари бу рақам 1 миллион 500 мингга яқин, деб айтилар эди. Сўнгги тадқиқотлар кўрсатишича, ўша йилларда 6 миллион 551 минг аҳолиси бўлган Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Бу орқали қўлига қурол олиб, фашизм босқинига қарши жанг қилган минглаб юртдошимизнинг номи тикланди. Илгари ўзбекистонлик 396 минг киши урушда ҳалок бўлган, деб айтиларди. Архивлар ўрганилиши натижасида эса, аслида, бу рақам 538 мингдан зиёд экани маълум бўлди.

Ота-боболаримизнинг жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги юксак эътироф этилган, улар қатор орден ва медаллар билан мукофотланган. Бу борада олиб борилган илмий изланишлар натижасида орден ва медаллар билан мукофотланган Ўзбекистон вакилларининг сони бўйича ҳам янги маълумотларга эга бўлдик.

Яқин йилларгача бу кўрсаткич 120 минг деб қайд этилган бўлса, янги тадқиқотларга асосан, Иккинчи жаҳон урушида 200 мингдан зиёд аскар ва офицеримиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирланганлари аниқланди. Жумладан, илгари 280 нафар деб ҳисоблаб келинган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари сони 301 та экани, 70 нафар юртдошимиз учала даражадаги “Шон-шараф” орденига сазовор бўлгани ўз тасдиғини топди.

Иккинчи жаҳон уруши ҳақида сўз борганида, нафақат уруш ўчоқлари, балки ана шу жангларда ғалаба қозонишга замин яратган фронт орти ишларини ҳам унутмаслик лозим. Хусусан, Ўзбекистон уруш майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берган. Ишлаб чиқариш корхоналари ҳарбий мақсадларда қайта ташкил этилган. Шу жумладан, кўп миллатли аҳолимизнинг фидокорона меҳнати билан ўша вақтдаги 300 га яқин корхонада ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Фронт ҳудудларидан юртимизга 151 та завод кўчириб келтирилиб, қисқа фурсатда ишга туширилган.

Хусусан, 1942-1945 йилларда Тошкент авиация заводида 2100 дона ЛИ-2 самолёти йиғилиб, фронтга юборилган. Бронепоездлар, авиамоторлар, авиабомбалар, ҳарбий эҳтиёж учун симлар, миналарни аниқлаб берувчи қурилмалар, снарядлар, гранаталар, ҳарбий кимёвий асбоб-ускуналар, парашютлар, кўчма ошхоналар, ҳарбийлар учун кийимлар, отлар етказиб берилган.

Ўта оғир ва машаққатли йилларда халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик фазилатлари янада яққол намоён бўлди. Бу борада янги аниқланган маълумотларга кўра, уруш бўлаётган ҳудудлардан Ўзбекистонга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган. Халқимиз бу одамларга бошпана бериб, ота-онасидан жудо бўлган етим болаларни “Сен етим эмассан!” дея ўз бағрига олганини дунё халқлари ҳалигача ҳайрат ва ҳаяжон билан тилга олади.

Ўзбекистонга кўчириб келтирилган заводларда кексалар, аёллар, ўсмир болалар туну кун машаққатли меҳнат қилиб, дунёни фашизм балосидан халос этишга катта ҳисса қўшган.

Ғалаба учун қанчалик машаққат чекилган бўлса, урушдан кейинги тикланиш даври ҳам катта қийинчиликлар билан кечди. Тарихимизнинг ушбу саҳифалари аждодларимизнинг ўша йиллардаги мардлик ва матонати, жасорати билан бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳамиша ибрат бўлиб қолади.

Бу борада Президентимиз: **“Биз уруш ва фронт орти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки доимо эъзозлаб, ардоқлашимиз, уларнинг соғлиғи ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим”,** деб таъкидлагани бугунги ёруғ кунларимиз учун курашган фахрийларимиз ҳамиша эътиборда эканининг ёрқин мисолидир.

Аслида ҳаётнинг ўзи бир синов. Аммо эл-юрт манфаатини ўйлаб, юрт равнақи ва халқ осойишталиги учун умрини бахшида этган инсонлар ҳамиша эъзозга муносибдир. Зеро, ҳаёт йўлларида бизга таянч ва суянч бўлган ана шундай табаррук инсонлар олдида доимо қарздормиз. Шунинг учун ҳам мўътабар нуронийларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мамлакатимиз сиёсатининг доимий эътибор марказидадир.

Хусусан, ҳозирги ва келажак авлодни ота-боболар руҳини ҳурмат қилиш, миллатни севиш, юртнинг ҳар қарич тупроғини қадрлашга ўргатиш, эзгулик ва раҳмдиллик сингари кўп асрлик анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялаш, мард ва жасур аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида Ғалаба боғи ташкил этилди.

Бу боғда уруш йилларида халқимиз кўрсатган бекиёс қаҳрамонликни улуғлайдиган, она Ватан тимсолини мужассам этган “Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуасини яратишда қандайдир бадиий образ эмас, балки ҳаётимизда ҳақиқатан рўй берган тарихий воқеа — мўътабар бир инсон, зангиоталик Зулфия Зокирова ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган. Зулфия Зокирова ёлғиз ўзи беш ўғил, бир қизни вояга етказган. Иккинчи жаҳон урушида бешта азамат ўғлидан жудо бўлган. Ғалаба боғи марказида жойлашган бу муаззам обида Ўзбекистоннинг барча оналарига қўйилган ҳайкал бўлиб, Ватан рамзини ифода этади.




Уруш даври тарихини чуқурроқ ўрганишга қаратилган эътибор натижасида Зулфия Зокирова сингари беш фарзандини урушга юборган Қорабоевлар оиласи ҳам оғир жудоликни бошдан кечиргани маълум бўлди. Фарғона вилоятида истиқомат қилган Мукаррамхон онанинг беш фарзанди қўлигул уста бўлган. Улар колхоздаги омборлар, бостирмалар, кўприклар ва кўплаб уйларни қурган. Беш ака-ука уста қишлоқнинг энг олди йигитларига айланган ва уларнинг онасини “Беш болали бой хотин” дейишарди.

Афсуски, бой онанинг айни кўзи қувнаб, ўзи яйраб яшайдиган даври бошланган бир пайтда унинг бахтига кўз тегди. Ака-ука усталарни биринчилар қаторида бир кунда урушга олиб кетишди. Шафқатсиз жанг туфайли уларга бирма-бир қорахат кела бошлаган. Фақатгина кенжасигина жанг майдонидан омон қайтган. Қолган тўрт забардаст ўғлон ҳалок бўлган.

Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин узоқни кўзлаб, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган талабларни инобатга олиб, инсонпарварлик фазилатларини улуғлаш, Ватан, эл учун хизмат қилган инсонларнинг пок номини сақлаш, инсон хотирасини қадрлаш йўлида қилинган бундай савобли ишлар ҳеч қачон унутилмайди.

Бу йил Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 77 йиллигини хотирладик. Шундай тарихий кунда Ўзбекистон халқининг ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини ёд этиш, уруш майдонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлганларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш барчамизнинг фарзандлик бурчимиз. Зеро, бугунги таҳликали замонда бу хотира бизга тарихдан тўғри сабоқ чиқариб, келажак сари дадил одимлаш, юртнинг ҳар қаричини муқаддас билиб, кўз қорачиғидай асрашда янада собитқадам ва ҳамжиҳат бўлишга даъват этади.

ФЕСТИВАЛЬ



# ЁШЛИК ҚУДРАТИ БИЛАН ЯШНАЁТГАН ЗАМИН ҚЎШИҒИ

**ЭНГ ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНСГА ЙЎЛ ОЧИШ. БУ БОРАДА БУГУНГИДЕК ФЕСТИВАЛЛАР ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. БОИСИ, ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ, ЎЗАРО ФИКР-МУЛОҲАЗА АЛМАШИЛАДИ, ЯНГИ ҒОЯЛАР ТУҒИЛАДИ. ИШОНАМИЗКИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЎТКАЗИЛИШИ ЯХШИ АНЪАНАГА АЙЛАНАЁТГАН ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ҲАЛИ КЎПЛАБ ИҚТИДОР ЭГАЛАРИНИ КАШФ ЭТАДИ.**



Бошланиши 1-бетда

Бу йил фестивалнинг бош тадбирлари Нукус шаҳрида кўр олди.

Икки йилдирки, мазкур фестиваль чин маънода мамлакатимизда истеъдодли ёшларни кашф этишга хизмат қилмоқда.

— Ўтган йили мазкур танловда мамлакат бўйлаб 10 минг йигит-қиз иштирок этган бўлса, жорий йилда 238 мингдан зиёд ёшни қамраб олди. Фестивалнинг беш босқичдан иборат саралаш тадбирлари маҳалла, туман (шаҳар) ва вилоят миқёсида ўтказилди. Янги овозларни кашф этишга хизмат қиладиган танловда 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар бахшичилик, анъанавий ижро, опера ҳамда эстрада йўналишида ўз маҳоратини намойиш этди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги Беш ташаббус лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Индира Холдорова. — Танловнинг тўрт босқичи муваффақиятли якунланди. Ҳар бир иштирокчининг чиқиши тўлиқ тасвирга олингани танловнинг шаффоф ўтишига асос бўлди.

Шу тариқа ҳудудий босқичдан муваффақиятли ўтган 152 йигит-қиз энди 10-15 май кунлари ғолиблик учун курашади.

— Ушбу фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшларда ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини уйғотиш, иқтидорини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиш, санъатга қизиқишини оширишдир, — дейди Қорақалпоғистон





Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Абатбай Данияров. — Шу мақсадда юртимизда кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганини бугун нафақат биз, балки чет элдаги дўстларимиз ҳам эътироф этмоқда. Олдимизда катта мақсадлар бор. Энг олий мақсадимиз — Учинчи Ренессансга йўл очиш. Бу борада бугунгидек фестиваллар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Боиси, ёшларни бирлаштиради, ўзаро фикр-мулоҳаза алмашилади, янги ғоялар туғилади. Ишонамизки, Қорақалпоғистонда ўтказилиши яхши анъанага айланаётган ёшлар фестивали ҳали кўплаб иқтидор эгаларини кашф этади.

Якуний босқичнинг ўзи икки — финал ва суперфинал босқичга бўлинади. Ҳар бир йўналиш ва ёш тоифасида энг юқори баллни қўлга киритган 3 иштирокчи суперфиналга йўл олади. Бу босқичда ҳакамлар уларга ижро учун қўшимча топшириқ беради.

— Танловнинг мамлакат босқичида иштирок этаман, деб ўйламагандим. Энди ўзимга ишончим тобора ортмоқда, — дейди Бухородан келган иштирокчи Жавоҳир Рўзимбоев. — Фестивалда ғолиб бўламанми, йўқми, билмайман, лекин бу тадбир ҳаётимга энг гўзал кунларни ҳадя этди ва онгу шууримда муҳрланиб қолди. Кўп дўстлар орттирдим. Биз, ёшларга шундай имкониятлар яратиб бераётган Президентимизга, барча ташкилотчиларга чуқур миннатдорлик билдираман.

**Фестивалда ҳар бир йўналиш бўйича биринчи ўрин соҳиби 50 миллион, иккинчи ўрин эгаси 30 миллион, учинчи ўрин эгаси 20 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритади. Бундан ташқари, мамлакат босқичи қатнашчиларининг барчаси 10 миллион сўмдан пул мукофоти билан тақдирланади. Танловнинг якуний босқичи 15 май куни Бўзатов туманида бўлиб ўтади. Ғолиблар номи ҳам шу ерда эълон қилинади.**




Фестивалда ҳар бир йўналиш бўйича биринчи ўрин соҳиби 50 миллион, иккинчи ўрин эгаси 30 миллион, учинчи ўрин эгаси 20 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритади. Бундан ташқари, мамлакат босқичи қатнашчиларининг барчаси 10 миллион сўмдан пул мукофоти билан тақдирланади.

Танловнинг якуний босқичи 15 май куни Бўзатов туманида бўлиб ўтади. Ғолиблар номи ҳам шу ерда эълон қилинади.

Дарҳақиқат, фестивалнинг аҳамиятли жиҳатлари кўп. Ҳудудларда ташкил этилган гала-концертларда ёшларнинг катта саҳналарда ўз санъатини намойиш этиши учун кенг имкониятлар яратди. Қисқа фурсат ичида танлов мадҳияси ҳам яратилиб, ёшлар орасида оммалашди.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистон замини ёш санъат ихлосмандларини бирлаштирадиган янги маданият ва санъат ўчоғига айланмоқда.

**Гуличеҳра ДУРДИЕВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Шу кунларда юртимиз нуфузли фан олимпиадасига мезбонлик қилмоқда. Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан ташкил этилган 56-Халқаро Менделеев кимё олимпиадаси Австрия, БАА, Россия, Туркия, Саудия Арабистони, Венгрия, Хорватия, Сурия, Қирғизистон, Беларусь, Қозоғистон, Тожикистон, Исроил, Озарбайжон, Арманистон каби 16 та давлат вакилларини пойтахтимизда жамлади.**

# ДУНЁНИНГ БИЛИМДОН ЁШЛАРИ

## ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШИШ БИЛАН БИРГА ДЎСТЛИК ПОЙДЕВОРИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ



Мамлакатимизнинг келгусидаги жадал тараққиёти истеъдодли ёшларни аниқлаш, танлаб олиш ва ўқитиш, уларнинг интеллектуал имкониятини намоён этишига ёрдам берувчи кўп тармоқли таълим муҳитини яратишни талаб этади. Шу маънода, халқаро фан олимпиадалари ва нуфузли беллашувлар юртимиз ўғил-қизларининг салоҳиятини рўёбга чиқарувчи, иқтидорини сайқалловчи платформа вазифасини ўтайди. Нуфузли мусобақанинг мамлакатимизда ўтказилиши эса бу борада мавжуд тажрибанинг дунё илмий жамоатчилиги томонидан тан олингани далолатидир.

Кимё фани бўйича Халқаро Менделеев олимпиадаси юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган дунёдаги энг нуфузли беллашувлардан саналади. ЮНЕСКО томонидан кимё бўйича мактаб ўқувчилари учун халқаро олимпиадага тенглаштирилган мазкур ягона фан олимпиадаси 1948 йили ташкил этилган. Унинг аҳамияти кимё олимпиадаларини янада ривожлантириш муаммоларига бағишланган халқаро йиғилишда ҳам алоҳида таъкидланиб, мактаб ўқувчиларига кимё фанини профессионал ўрганишга ёрдам берадиган минтақалараро ҳамкорликнинг энг яхши намунаси сифатида қайд этилган.

2004 йилдан Халқаро Менделеев олимпиадаси иштирокчилари сафига Болгария, Македония ва Руминия жамоалари, 2012 йилдан Венгрия, Туркия ва Саудия Арабистони қўшилди. 2016 йилда олимпиадада илк бор Исроил, Мўғулистон ва Нигерия жамоалари ҳам қатнашди. 2019 йилда 30 та давлат, жумладан, Украина, Грузия, Исроил, Саудия Арабистони, Австрия ва Хитой каби давлатларнинг иштироки тасдиқланган.

Ҳар йили турли давлатларда ташкил этиладиган олимпиадада 30 га яқин давлат вакиллари қатнашади.

— Юртимиз бу нуфузли, катта тарихга эга олимпиадага учинчи бор мезбонлик қилмоқда. Бундай ишонч бизга фахр бағишлаш билан бирга, зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди, — деди Президент таълим муассасалари агентлиги раҳбари Ҳилола Умарова. — Зеро, ёш авлоднинг илм-фан сирларини мукаммал эгаллаши учун кенг имконият яратиш, замонавий ва сифатли таълим бериш орқали Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиш, Янги Ўзбекистон ёшларининг халқаро миқёсда катта ютуқларга эришишига замин ҳозирлаш асосий бурчимиздир. Бундай олимпиадаларда энг иқтидорли ўқувчиларни кашф этамиз. Шу жараёнда уларни саралаб, кучли мутахассис этиб тайёрлаш имкони юзага келади.

**56-Халқаро Менделеев олимпиадаси бу йил уч босқичда ташкил этилмоқда. Иштирокчилар икки босқичда кимё бўйича назарий, учинчи босқичда эса амалий лаборатория машғулотлари орқали билимини синовдан ўтказади. Бу гал Ватанимиз шарафини 12 нафар вакилимиз ҳимоя қилади. Олимпиада беллашувлари пойтахтимиздаги Муҳаммад ал-Хоразмий ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабларда бўлиб ўтади. Уларда мусобақани юқори савияда ўтказиш учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Танловнинг учинчи босқичи учун лабораториялар керакли жиҳозлар билан таъминланди.**

56-Халқаро Менделеев олимпиадаси бу йил уч босқичда ташкил этилмоқда. Иштирокчилар икки босқичда кимё бўйича назарий, учинчи босқичда эса амалий лаборатория машғулотлари орқали билимини синовдан ўтказади. Бу гал Ватанимиз шарафини 12 нафар вакилимиз ҳимоя қилади.

Олимпиада беллашувлари пойтахтимиздаги Муҳаммад ал-Хоразмий ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабларда бўлиб ўтади. Уларда мусобақани юқори савияда ўтказиш учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Танловнинг учинчи босқичи учун лабораториялар керакли жиҳозлар билан таъминланди.

— Мамлакатимиз ушбу олимпиадада 2008 йилдан иштирок этиб келмоқда. 2008-2021 йилларда юртимиз вакиллари 84 та медални қўлга киритган. Шундан 29 таси охирги беш йилликка тўғри келади, — деди Ўзбекистон жамоаси раҳбари Ортиқбой Эшонқулов. — Жумладан, ўтган йили 20-26 апрель кунлари кимё фани бўйича онлайн ўтказилган 55-Халқаро Менделеев олимпиадасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган ўқувчиларимиз 1 олтин, 4 кумуш ва 2 та бронза медаль билан тақдирланган. Дунёга салоҳиятини намоён этаётган янги Ўзбекистон ёшларининг халқаро миқёсда эришаётган шу каби ютуқлари замирида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълимга қаратилаётган юксак эътибор турибди.

Экспертларнинг таъкидлашича, Халқаро Менделеев олимпиадасида бериладиган топшириқ ва вазифалар ўқувчилар учун мураккаблик қилса-да, жуда қизиқарли. У кимё фанидан ўтказиладиган бошқа миллий олимпиадалардан фарқ қилади. Асосийси, дастур ва тайёргарлик бўйича вазифалар тўпламининг йўқлигидир. Шу сабабли иштирокчилар кимёнинг турли соҳаларини пухта билиши керак. Халқаро Менделеев олимпиадаси топшириқлари беллашувда иштирок этувчи давлатларнинг етакчи олим ва кимё ўқитувчиларидан иборат доимий фаолият кўрсатувчи услубий комиссия томонидан тайёрланади. Мусобақа дастури йилдан-йилга янги услубда тузилган, ноодатий ва қизиқарли мавзулардаги масалалар билан бойитиб борилмоқда. Бу унинг нуфузи ва давомийлигини таъминлайди.

— Бу кимё фани бўйича беллашув узоқ давом этган пандемиядан сўнг илк бор офлайн тарзда ташкил этилаётир, — деди Халқаро Менделеев олимпиадаси ташкилий қўмитаси раиси, Россия Фанлар академияси мухбир аъзоси Степан Калмиков. — Икки йил онлайн форматда ташкил этилган олимпиададан сўнг юзма-юз кўришиш насиб этди. Ўзбекистон мазкур нуфузли олимпиадага мезбонлик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олгани учун давлатингиз раҳбарига миннатдорлик билдираман. Олимпиадага пухта ҳозирлик кўрилган, шарт-шароит аъло даражада. Жамоалар ҳақида гапирсам, улар бу йил жуда кучли таркибда иштирок этяпти. Хусусан, Ўзбекистон жамоаси ҳам меҳмонлар учун муносиб рақиб бўла олади. Ўйлайманки, мазкур мусобақа кўплаб бўлғуси кимёгарларни илм-фан чўққиси сари бошлайди ҳамда уларнинг етук, малакали кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

Халқаро Менделеев олимпиадасининг яна бир алоҳида жиҳати бор, яъни унинг услубий комиссияси ва ҳакамлар ҳайъати таркибига профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда олдинги олимпиадаларда ғолиб бўлган талабалар ва аспирантлар ҳам киритилади. Бу анъанани сақлашга ёрдам беради ҳамда келгуси йиллардаги давомийликни таъминлайди.

10-15 май кунлари бўлиб ўтадиган олимпиада дастуридан кўплаб қизиқарли тақдимотлар, шунингдек, юртимизнинг диққатга сазовор жойларига, тарихий обида ва музейларга саёҳат ҳам ўрин олган.

**Рисолат МАДИЕВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 1429
86602 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:35 Топширилди — 00:50